

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

МАМИРОВА ДИЛНОЗА ШИРИНБОЕВНА

**ЎЗБЕК РЕКЛАМА МАТНЛАРИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по филологическим наукам**

**Content of dissertationabstract of doctor of philosophy (PhD)
on philological sciences**

Мамирова Дилноза Ширинбоевна

Ўзбек реклама матнларининг социолингвистик хусусиятлари 3

Мамирова Дилноза Ширинбоевна

Социолингвистические особенности узбекских рекламных текстов..... 23

Mamirova Dilnoza Shirinboyevna

Sociolinguistic features of Uzbek advertising texts 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 47

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ЧЕТ ТИЛЛАР ИНСТИТУТИ

МАМИРОВА ДИЛНОЗА ШИРИНБОЕВНА

**ЎЗБЕК РЕКЛАМА МАТНЛАРИНИНГ СОЦИОЛИНГВИСТИК
ХУСУСИЯТЛАРИ**

10.00.01 – Ўзбек тили

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд - 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2021.2.PhD/Fil940 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз, (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Пардаев Азамат Бахронович
филология фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Бакиров Поён Ҳуралович
филология фанлари доктори, профессор

Темиров Шерали Абдихалилович
филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:


Наманган давлат университети


Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил "28" март соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош бино, 105-хона).


Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15. Тел.: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2022 йил "14" март куни тарқатилди.
(2022 йил "14" март даги 89 рақамли реестр баённомаси).




М.К. Мухиддинов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
филология фанлари доктори, профессор


Д.Б. Хурсанов
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
филология ф.б. фалсафа доктори (PhD)


Д.Б. Уринбасова
Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси,
филология фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослиги тараққиётининг бугунги босқичида матнни антропоцентрик нуқтаи назардан асослашнинг социолингвистика, психолингвистика, лингвокультурология, прагматингвистика, когнитив тилшунослик сингари йўналишларига бўлган эҳтиёж янада кенгаймоқда. Айниқса, социолингвистика соҳасининг ривожланиши жамият тараққиётини белгиловчи муҳим тамойиллардан бирига айланмоқда. Ушбу соҳа кўламининг кенгайиши тилшуносликда инсон ва жамият мутаносиблиги, оламнинг лисоний манзарасини шахс омили асосида реклама матнларининг дискурсив жиҳатларини тадқиқ этиш масаласини кун тартибига қўймоқда. Бунда реклама матнлари тилининг ўзига хослигини ва уни такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиш соҳа тараққиётини таъминлайдиган муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

Жаҳон илм-фанида рекламалар тили, унинг матнига оид амалий ва фундаментал тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, реклама матнларининг лингвистик хусусиятлари, рекламанинг ижтимоий характери, реклама матнларига оммавий ахборот воситаларининг бир қисми сифатида қараш ва шу каби бошқа тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этмоқда. Бугунги кунда турли туман рекламалар шиддат билан ижтимоий ҳаётимизга кириб келяпти. Шу маънода, дунёда интеграллашув жараёни тўхтовсиз ривожланиб бораётган бир вақтда миллий тилдаги рекламаларнинг халқаро стандартларга мос социолингвистик компетентлигини шакллантиришнинг миллий тизимини такомиллаштириш масаласига жамият тараққиёти нуқтаи назардан эътибор қаратиш, ўз навбатида, бундан дунё илмий жамоатчилигини хабардор этиш заруратини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда реклама нафақат маҳсулотни тарғиб қилувчи восита, балки ишлаб чиқаришдаги муайян ютуқларни намойиш этувчи, аҳолига маълум маънода ахборот етказувчи, инсоннинг руҳий-интеллектуал ҳолатига таъсир этувчи, она тилимиз имкониятларини ўзида акс эттирувчи тезкор омил сифатида намоён бўлмоқда. “Ўзбек тилининг халқимиз ижтимоий ҳаётида ва халқаро миқёсдаги обрў-эътиборини тубдан ошириш, униб-ўсиб келаётган ёшларимизни ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш”¹ бугунги куннинг долзарб масаласига айланди. Шу нуқтаи назардан, рекламалар матнини социолингвистик жиҳатдан ўрганиш ва уни такомиллаштиришнинг концептуал асосларини илмий тадқиқ қилиш танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони // www.lex.uz

“Олий ўқув юртидан кейинги таълимни янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ва 2017 йил 28 июлдаги ПҚ-3160-сон “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришнинг янги босқичга кўтариш тўғрисида” Қарори, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги 723-1-сон “Реклама тўғрисида”ги Қонуни ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” номли устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Реклама матнларининг лингвистик хусусиятлари жаҳон олимлари томонидан атрофлича ўрганилган. Хусусан, А.Репьев, Н.Бардишев, В.Шёнерт, К.Хопкинс, Д.Розентал, Н.Кохтев, Р.Ривз, Е.Фарби, Ф.Настеренко, Г.Бабаджанова, Е.Захарова¹ларнинг тадқиқотларида ушбу масалага маълум даражада эътибор қаратилган.

Ўзбек тилида реклама тили ва матни тадқиқига оид ишлар сирасига Н.Ж.Чиниқулов, А.Абдусайдов, Т.Эшбеков, У.Саидов, И.Неъматов, А.Азларова, Н.Шомуротова, Б.Ходжаев, Л.Каримова, Б.Абдуллаев, О.Жумаев, С.Муҳамеджановаларнинг илмий изланишларини киритиш мумкин.² Рекламанинг ижтимоий характерини ёритишга доир яна кўпгина мақолалар мавжудки, уларда реклама матнларига оммавий ахборот воситаларининг бир қисми сифатида қаралган ва ўзига хос хусусиятлари

¹ Репьев А.П. Язык рекламы. – Москва: МГУ, 2008. – 165 с.; Бардышев С.Н. Рекламный текст. Методика составления и оформления. – Москва: МГУ, 2010. – 57 с.; Вальтер Шёнерт. Грядущая реклама. – Москва, 2009. – 302 с.; Клод Хопкинс. Научная реклама // Телескоп: наблюдения за повседневной жизнью петербуржцев. – Москва: 2006. – № 4. – С.45-57.; Розенталь Д.Э., Кохтев Н.Н. Язык рекламных текстов. – Москва, 1981. – 127 с.; Ривз Р. Слова в рекламе. – Москва, 1973. – 110 с.; Фарби Э.Д. Как создать успешную рекламу. – Санкт-Петербург, 2004. – 256 с.; Настеранко Ф.П., Бабаджанова Г.Н. Эффективная реклама. – Ташкент, 2003. – 135 с.; Захарова Е.О. Нерегламентированная пунктуация как признак рекламного текста: автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Томск, 2010. – 25 с.

² Chiniqulov N.J. Peshlavhalarning lisoniy xususiyatlari. Monografiya. – Toshkent: «Navoiy universiteti» nashriyot matbaa uyi, 2019. – 108 b.; Abdusaidov A. O‘zbek tilining ijtimoiy mohiyati. Monografiya. – Samarqand, 2008. – 132 b.; Abdusaidov A. Реклама тили аниқ ва тиниқ бўлсин. Лекин...// «Milliy tiklanish» газетаси, 2011 йил 5 январь, №1 (114), -Б.1, 5.; Abdusaidov A. Reklama va savodxonlik //O‘zbekiston matbuoti. – Toshkent, 2010. – №1, -Б. 36-37.; Eshbekov T. Axborot xizmatlari. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent, 2019. – 152 b.; Саидов У. Глобаллашув ва маданиятлараро мулоқот. – Тошкент: Академия, 2008. – 128 б.; Ne‘matov U. va boshqalar. Reklama faoliyatini tashkil etish. O‘quv qo‘llanma. – Toshkent: Voris, 2014. – 192 b.; Muhamedjanova S. O‘zbekiston reklama san’ati tarixidan. <https://shosh.uz>; Жумаев О. Визуал реклама матнларида неологизм ва кискартмаларни қўлланилиши. – Самарқанд: СамДЧТИ нашри, 2011. – Б.105-109.

тадқиқ қилинган¹. Аммо ўзбек тилида рекламалар матни билан боғлиқ социолингвистик масалаларнинг умумлаштирилган ҳолда махсус тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзунини монографик планда ўрганишни тақозо этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Самарқанд давлат чет тиллар институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” мавзусидаги ОТ-Ф8-062 рақамли истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Замонавий тилшуносликда матн назарияси ва таълим услубияти масалалари” номли таркибий қисми доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади реклама матнларининг этносоциолингвистик табиатини ва коммуникатив жиҳатларини очиқ беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек тилининг социолингвистик таҳлил тамойили ёритилган илмий адабиётларни назарий таҳлил қилиш ва уларга муносабат билдириш;

реклама матнининг социолингвистик жиҳатларини, ундаги адресат ва адресант муносабатини ёритиш;

овозли реклама матнларидаги нутқий фаолият турларини ўрганиш, реклама матнларини функционал-семантик жиҳатдан тадқиқ қилиш, ундаги қўлланиш доираси чекланган сўзлар масаласини ёритиш;

реклама матнларидаги сегмент бирликларнинг ўзига хослигини асослаш; ўзбек тили реклама матнларида сўзлашув услубига хос сўзларнинг кенг қўлланиш сабабларини аниқлаш ва прагматингвистик, психолингвистик мақсадларини ёритиш;

реклама мақсадидаги пешлавҳаларнинг коммуникатив бирлик сифатида баҳоланган лингвистик табиатини тадқиқ этиш;

реклама матнларида қўлланадиган слоган(шиор)лар бажарган вазифаларни ёритиш;

реклама матнларини социолингвистик аспектда ўрганиш зарурлиги юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида, давлат ва хусусий телеканалларида, интернет ижтимоий тармоқларида эълон қилинган, муайян маҳсулотлар ёрликларида ҳамда ҳудудларда ўрнатилган баннерларда тасвирланган реклама матнлари танланган.

¹Қаранг: Жумаев О. Визуал(кўрув) рекламаларининг лисоний хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти. –Тошкент: Фан, 2009. -№3. –Б.88.; Мўминов Ф. Ўзбекистон Республикаси Олий мажлиси сайлов комиссиясини ташвиқот-реклама билан таъминлаш масалалари //Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари. – Тошкент, 2004. -№4. –Б.39.; Abdusaidov A. Tilimiz ko'zgusi yoki ayrim reklamalar matnlari adabiy til me'yorlariga mos kelmayotganligi to'g'risida //«O'zbekiston ovozi» gazetasi, 2007, 17-fevral; Shomurotova N., Toshpo'latova F. Reklamaning idrok qilinishi // Boshlang'ich ta'lim. – Toshkent, 2007. -№2. –Б.23-24.; Титова Н. Fast-food маҳсулотларининг болаларга таъсири // Эксперт. – Тошкент, 2007. -№3. –Б.3-4; Ботиров Б., Ҳотамов К. Яна реклама // «Миллий тикланиш» газетаси, 2010, 7 январь.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбек тилидаги реклама матнларининг социолингвистик аспектда тадқиқ қилиш ҳамда этносоциопрагматик хусусиятларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Ишда таснифлаш, тасвирлаш, семантик, социолингвистик, этнолингвистик, психолингвистик, лингвопрагматик, лингвокултурологик, стилистик тадқиқ усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Ўзбек тилидаги реклама матнларининг ижтимоий, иқтисодий, маданий, савдо ва тадбиркорлик жараёнида *сўзловчи – матн – тингловчидан* иборат учлик асосида танланган сўзларнинг услубий чегараланганлиги, чақириқларнинг аҳамияти, реклама матнлари орқали ахборот етказишнинг вербал (сўз, лисоний воситалар) ва новербал (имо-ишора, ҳар-хил белги, нишона, рамз, символ) воситаларининг этносоциопрагматик хусусиятлари очиб берилган;

реклама матнидаги адресант ва адресат муносабатининг лисоний ва нолисоний хусусиятлари ҳамда когнитив-семантик жиҳати прагматик мазмунни аниқлаштирувчи нутқий таъсир этиш воситаларидан бўлган феълларни очиб беришда буйрук, илтимос, ваъда, огоҳлантириш, миннатдорлик каби мазмуний шакллар локутив, иллокутив ва перлокутив нутқий акт тамойиллари асосида муваффақиятли бажарилиши аниқланган;

реклама матнларида шахс омили масаласи, яъни уни идрок этувчи шахс-тингловчи ёки ўқувчи омили асосида реклама матнларининг лингвистик ва экстралингвистик воситалар билан уйғунлашган замонавий реклама дискурсида мақсадга йўналтирилган тил бирликлари орқали сегмент ва парцелляция қурилмаларнинг дискурсив-прагматик хусусиятлари далилланган;

реклама матнларини ихтисослашган коммуникатив функциялар, тил бирликларидан мақсадли фойдаланишда миллий менталитет ва ижтимоий ҳаётга кўпроқ эътибор бериш, ёш авлод тарбияси ва уларнинг саводли бўлишида рекламанинг таъсири масаласи, миллий-маданий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда яратиш зарурияти асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

рекламалар бўйича тўпланган материаллар, қўйилган муаммоларни тадқиқ этиш натижасида чиқарилган хулоса ва умумлаштирилган фикрлар ҳозирги ўзбек тилшунослиги, хусусан, лексикология, грамматика учун энг муҳим зарурий, илмий маълумот бериши, реклама матнларини тадқиқ қилиш бўйича тадқиқотлар яратишда манба бўлиб хизмат қилиши далилланган;

илмий тадқиқот натижалари адабий тили меъёрлари нуктаи назаридан социолингвистик тадқиқотлар учун қўлланадиган методларни кўрсатиб беришда амалий аҳамият касб этган;

Социолингвистика, Реклама назарияси ва амалиёти фанларини ўқитишда, бундан ташқари, маркетинг соҳасида ҳам амалий жиҳатдан ёрдам бериши бу фанлар билан боғлиқ тадқиқотлар ва методик ишлар яратишда қўл келиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Реклама матнлари таҳлилининг ўзбек тили табиатидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилганлиги, олинган хулосаларнинг замонавий лингвистика олдига қўяётган талабларга мувофиқ келиши, жаҳон ва ўзбек тилшунослигида реклама матнларига оид амалда исботини топган манбаларга таянилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, ўзбек тилидаги реклама матнлари социолингвистик жиҳатдан тадқиқ этилган бўлиб, илмий таҳлил натижаларидан тилнинг социал фарқланиши, жамиятдаги лисоний вазият, тил ва ижтимоий муносабатлар билан боғлиқ илмий-назарий қарашларни шакллантиришда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти эса ўзбек тилшунослигининг “Ўзбек тилининг амалий услубияти”, “Социолингвистика”, “Прагмалингвистика” ва “Когнитив тилшунослик” фанларидан дарслик ва қўлланмалар яратишда, мазкур фанлардан амалий ва семинар дарсларини ташкил этишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбек тилидаги реклама матнларининг социолингвистик хусусиятлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

реклама матнларида мифологик тасвир хусусияти, рекламанинг дастлабки кўринишларида мифологик образлардан фойдаланган ҳолда суратлар ёрдамида коммуникатив алоқага кириш хусусиятлари назарий жиҳатдан асосланганлигига оид таклиф ва тавсияларидан 2012-2016 йилларда бажарилган “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанрларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” мавзусидаги Ф1-ФА-0-43429, ФА-Ф1, ГОО2 рақамли фундаментал тадқиқот лойиҳаси ижросини таъминлашда фойдаланилган (ЎзФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 29 июлдаги 17.01/167-сон маълумотномаси). Натижада, реклама тилини сўз санъатининг бадиий намунаси сифатида ҳам эътироф этиш лозимлиги таъкидланган ўринлар мифологик образларнинг тараққиёти масаласига ойдинлик киритишга хизмат қилган;

реклама тилининг умумхалқ тилида мавжуд бўлган луғавий воситаларни ўзида акс эттириб, тил воситаларининг ижтимоий маъно ифодаловчи кўламини кўрсатувчи, унинг дастлабки ва ривожлантирувчи йўлларини белгилаб берувчи манба эканлигига доир таклиф ва тавсияларидан 2017-2020 йилларда амалга оширилган “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзусидаги ФА-Ф1-ОО5 рақамли фундаментал лойиҳада белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (ЎзФА Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 29 июлдаги 17.01/167-сон маълумотномаси). Натижада, реклама матнларида учрайдиган

фольклоршунослик намуналаридан бўлган мақол ва топишмоқ кўринишидаги рекламаларнинг халқ орасида оммалашишининг сабаблари кўрсатилган мулоҳазаларни илмий жиҳатдан далиллашга хизмат қилган;

Ўзбек тилини янада ривожлантириш, иш ҳужжатларини давлат тилида юритишнинг афзал жиҳатлари хусусида, ташқи реклама материалларининг давлат тили ва реклама тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлиши илмий асосланган фикрлари, тақлиф-тавсияларидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги 5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ҳамда 2020 йил 20 октябрдаги 6084-сон “Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонлари ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоятининг барча шаҳар ва туманларида ўтказилган маънавий-маърифий ишлар, тушунтириш-тарғибот тадбирларида фойдаланилган (Самарқанд вилоят ҳокимлиги Давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш бўйича бўлимнинг 2021 йил 18 майдаги 12-12/453-сон маълумотномаси). Натижада, савдо, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларига ном беришда, ташқи ёзув, пешлавҳа, реклама ва эълонлар ҳамда товар ва хизмат кўрсатиш белгиларида давлат тили қоида ва меъёрларига мувофиқ келадиган сўзлардан фойдаланишда ёрдам беришга хизмат қилган;

реклама соҳасида функционал жиҳатдан етакчи терминлар вазифасини бажараётган сўзлар изоҳини ёритиш мақсадида “Reklama terminlarining izohli lug‘ati” нашр қилинган (ISBN 978-9943-6273-6-9). Натижада рекламаларга оид терминлар базаси яратилиб, ўзбек тили миллий корпуси учун лингвистик таъминот шакллантирилган;

реклама нафақат маҳсулотни тарғиб қилувчи восита, балки ишлаб чиқаришдаги муайян ютуқларни намоёниш этувчи, аҳолига маълум маънода ахборот етказувчи, инсоннинг руҳий-интеллектуал ҳолатига тез таъсир этувчи омил эканлигига оид хулосалари ва тақлиф-тавсияларидан “O‘zbekiston” телерадиоканалининг “Миллат ва маънавият”, “Хизмат ва сифат” эшиттиришларининг сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 2 июндаги 04-25-886-сон маълумотномаси). Натижада, юқори савияли баркамол авлодни вояга етказиш, ёшлар орасида тил маданиятини шакллантириш ҳамда замонавий ахборот тизимида ўзбек тилининг имкониятларидан фойдаланиш ҳақидаги тарғибот ишлари мазмуннинг мукаммаллашишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация натижалари бўйича жами 26 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестасия комиссиясининг диссертациялар асосий

илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилан илмий нашрларда 9 та мақола (хусусан, 6 та республика ва 3 та хорижий журналларда) нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч асосий боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 163 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Реклама матнлари илмий тадқиқот объекти сифатида»** деб номланган биринчи бобида реклама матнларининг ўрганилиши ва унинг этносоциопрагматик ва психолингвистик хусусиятлари тадқиқ этилган. Бобнинг мазмуни тўртта фаслда келтирилган бўлиб, биринчи фасл мавзунинг ўрганилиши ва унинг тавсифи масаласига бағишланган. Фаслда реклама матнларининг социолингвистик жиҳатдан етарлича ўрганилмаганлиги, жаҳон, рус ва ўзбек тилшунослигидаги қарашлар атрофлича ёритилган.

Ўзбек тилшунослигида тилнинг ифодали воситалари реклама қилинаётган маҳсулотнинг муҳим қирраларини очишда зарурлиги, тил эгаларининг миллий-маданий менталлигини акс эттирувчи лисоний бирликларнинг рекламадаги ифодаси, нутқий мулоқотга хос бўлган миллий ижтимоий-маданий стереотипларни аниқлашда рекламанинг ўрни каби масалалар махсус монографик планда ўрганилмаган. Ўзбек тилидаги рекламаларнинг тадқиқига оид ишлар санокли. Н.Ж.Чиниқулов, А.Абдусайдов, Т.Эшбеков, У.Саидов, И.У.Неъматов, З.Т.Тоҳиров, Б.Б.Инатуллаев ва С.Мухамеджановаларнинг айрим тадқиқот ишларида, О.Жумаевнинг реклама матнлари тадқиқига бағишланган айрим мақолаларида улар тилида қўлланган неологизм ва қисқартмаларнинг лингвистик табиати ёритилган. Хусусан, О.Жумаевнинг реклама тилига оид «Визуал реклама матнларида неологизм ва қисқартмаларнинг қўлланилиши»¹, «Рекламанинг лисоний хусусиятлари»² номли мақолаларига муносабат билдирилган. З.Т.Тоҳировнинг «ОАВ рекламаларининг тили ва услубияти, назарияси ва амалиёти» номли қўлланмасида реклама матнига қўйиладиган асосий талаблар 5 гуруҳга бўлингани таъкидланган: 1. Бош ғояни таъкидлаш зарур; 2. Товар ўрнини аниқ кўрсатиш лозим;

¹ Жумаев О. Визуал реклама матнларида неологизм ва қисқартмаларни қўлланилиши. – Самарқанд: СамДЧТИ, 2011. –Б.105-109.

² Жумаев О. Визуал (кўрув) рекламаларининг лисоний хусусиятлари // Ўзбек тили ва адабиёти // –Тошкент: Фан, 2009. №3. – Б.88.

3. Истеъмолчиларга унинг фойдали эканлиги таъкидлаш керак; 4. Савдо маркасининг номи таъкидланади ва мустаҳкамланади; 5. Матн аниқ ва лўнда ёзилади.

Дарҳақиқат, юқорида кўрсатилган беш жиҳат мужассамлашгандагина маълум бир тугал маъно ифодаловчи реклама матнини яратиш мумкин.

Бобнинг иккинчи бўлими «*Реклама матнларининг этносоциопрагматик ва психолингвистик хусусиятлари*» деб номланган бўлиб, унда реклама тили ижтимоий тил билимларини ўрганиш ва таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этиши, реклама тили умумхалқ тилида мавжуд бўлган луғавий воситаларни ўзида акс эттириб, тил воситаларининг ижтимоий маъно ифодаловчи кўламини кўрсатувчи, уни ривожлантириш йўлларини белгилаб берувчи манба эканлиги даллилаб ўтилган.

Реклама тили жамият ҳаётини ўзида намоён этар экан, у ижтимоий ҳаёт масалалари билан узвий равишда ривожланади. Шу сабабдан, реклама тили ижтимоий тил билимларини ўрганиш ва таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этади. Муҳими шундаки, реклама тили умумхалқ тилида мавжуд бўлган луғавий воситаларни ҳамда тил воситаларининг ижтимоий маъно ифодаловчи кўламини кўрсатувчи, уни ривожлантириш йўлларини белгилаб берувчи манбадир.

Рекламалар қадимда оғзаки сўзлашув нутқида «*об қолинг, еб қолинг, олганлар дармонда, олмаганлар армонда*» каби чорловлар билан истеъмолчиларни жалб қилган. Тилга бирор маҳсулотни сотиш учун истеъмолчининг диққатини торта оладиган ноодатий жумлаларини ўйлаб топиш ва шу жумлани эшитганда маҳсулот кўз олдига келишини таъминлаш учун образли тасвирланган бирликлар зарур. Демак, реклама тили - умумхалқ тилининг ифода воситаларига бой бўлган, тил воситаларининг образли кўлланилиши қонуниятларини очиб берувчи муҳим кўринишга эга тил кўринишидир. Масалан, «*Ҳаётбахш таъм*» (*Coca Cola* ичимлиги рекламасидан) жумласида адабий тил меъёрларига ва унинг умумтил қонуниятларига мос, ҳаётсеварликка чорлайдиган *ҳаётбахш ва таъм* сўзларининг кўлланилиши прагматик жиҳатдан матн экспрессивлигини оширган. Айни пайтда, реклама тили учун хос бўлган бундай ижтимоий белгилар фикр тиниқлигини, шунингдек, унинг ҳаёт ва жамият мазмуни билан боғлиқ томонларини очиш учун хизмат қилган.

Тилшуносликнинг социолингвистика соҳаси этнолингвистика эришган илмий натижалардан унумли фойдаланиши рекламалар учун ҳам хос. Чунки рекламада ҳар бир халқнинг урф-одати, яшаш тарзи ва ижтимоий хусусиятлари жиҳатидан турли кўринишларда намоён бўлади, бу эса муайян бир халқ тилининг бир-биридан фарқланувчи баъзи муҳим ёки муҳим бўлмаган белгилари мавжуд эканлиги билан изоҳланади. Шундай экан, реклама тилини, унинг босиб ўтган тарихий йўлини этнолингвистик жиҳатдан тарбиявий ва руҳий омилга таъсир этадиган жиҳатларини психолингвистик жиҳатдан тадқиқ қилиш ҳам ўринлидир.

Биринчи бобнинг учинчи бўлимида «*Рекламаларнинг матн сифатида белгилари ва уларни шакллантириш тамойиллари*» ўрганилган. Газета,

журнал, телевизион дастур, радиодастур сингари рекламалар ҳам тайёр медиа формат шаклида амалга оширилади. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларига нисбатан «матн» тушунчаси фақатгина сўзни ифодалаш учунгина эмас, балки унинг ҳажми ва кўп қирралигини қамраб олган, яъни ўзига медиамаҳсулот учун муҳим бўлган хусусиятларни жамлаган графика ва телевизор дастурларини назарда тутди. Шунинг учун «реклама матни» тушунчасига экстралингвистиканинг муҳим омилларидан бири сифатида қараш ўринлидир. Профессор Ю.В.Рожественский «такрорийлик»ни ҳам экстралингвистиканинг муҳим омили сифатида реклама матнларининг асосий хусусияти деб ҳисоблайди: «...реклама матнлари хабарларни такрорлаш билан тавсифланади. Кўп жиҳатдан реклама матнини ортиқча такрорлаш «интрузив» реклама кўринишининг яратилишига ёрдам беради».¹

Кўп қиррали хусусиятларга эга реклама матни қуйидаги коммуникатив моделлар асосида қурилади:

1. *Инвертли пирамида модели* – асосий аргументация матннинг бошида жойлашган маълумотни (материални) тесқари пирамида шаклида жойлаштиришни назарда тутди. Бунда матннинг кульминацион нуқтаси унинг бошида тугайди, финал эса динамик пасайиш билан белгиланади. Масалан, *1000000 сўм ютиб олмоқчимисиз?*(кульминация) *Хизматларга телефонда тўлаш ва 100000000 сўм ютиш имконияти Рауте да бор* (динамик пасайиш). Келтирилган мисолда ютуқ миқдорининг матн аввалида келиши унинг кульминациясини кўрсатса, хизмат кўрсатиш имконияти тўғрисида динамик пасайиш билан ахборот яқунланади.

2. *Реклама-таққослаш* – «*Невская косметика*» фабрикасидан қир ювиш куқуни таниқли брендларга қараганда икки барабар арзон туради ва унинг самарадорлиги *Персил* ва *Ариел* билан таққосланади. Бу мисолда маҳсулотнинг бошқаларидан қолишмаслиги ҳақида таққослаш келтирилади.

3. *Сюжетли ёки драматик реклама* – эртак сюжети композицион асос қилиб олинган реклама тури бўлиб, у кириш, воқеалар ривож ва тугалланмадан иборат бўлади.

Кичкина малика қирол унга эртак айтиб беришини хоҳлади. Қирол узоқ вақт давомида қироллик ишлари билан банд бўлганлиги учун бошига оғриқ кирди. Эзгулик фариштаси эса қиролга қандай ёрдам беришни биларди ва унга Ацефенак плюс қироллик эртакларини берди. Ацефенак плюс учта зарба: иситма туширувчи, оғриқ қолдирувчи, яллигланишга қарши. Ўшандан бери ҳар куни Қирол Малика учун эртаклар ўқиб беради ва улар узоқ ва бахтли ҳаёт кечиради. Оғриқ келса бу демак, Ёрдамчи Ацефенак!

4. *Реклама-диалогда* – прагматик мақсад ва мазмуннинг очик ифода этилишида диққат ахборот алмашинувидаги савол-жавобга қаратилади. Берилган саволларга қилинган жавобларда ушбу ахборотни узатиш мақсади намоён бўлиб, коммуникация мақсади узатилаётган ахборотнинг предметига айланади:

¹Рожественский Ю.В. Теория риторики. -М., 1997. - 597 с.

- *Автомобилингизни сотмоқчимисиз? – Ҳа.*
- *Ва дам олиш кунларингизни машина бозорида ўтказмоқчимисиз?*
- *Йўқ.*
- *Вақтингизни навбатда кетказмоқчимисиз? - Йўйўқ.*
- *Автомобилингизни кулгили нархда сотмоқчимисиз? - Йўйўйўқ.*
- *Унда автомобилни Avtoe'lon.uz да сотинг. Бепул эълон беринг ва сотинг!*
- *Avtoe'lon.uz бепул иловасини юклаб олинг.*

Аудитория, реклама воситаси (газета, журнал, радио, телевидение, ва хоказо) ва маҳсулотларнинг табиатига қараб реклама матнининг тузилиши қуйидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади: 1) сарлавҳа; 2) слоган; 3) асосий реклама матни; 4) эхо-ибора.

Реклама матни юқоридаги тўрт жиҳатни ўзида мужассамлаштирган ҳолда матн кўринишини олади. Бундан ташқари, реклама матни фақатгина сарлавҳа (шиор), кириш, асосий қисм ва хулосадан иборат бўлган реклама ахборотининг матни эмас, балки одамларни маҳсулотларни сотиб олиш учун илҳомлантириш ва уларга таъсир кўрсатиш манбаи ҳамдир. Кўп ўлчовли ахборот матн концепцияси реклама матнларини ўрганиш учун жуда муҳим, чунки тасвирланаётган объектнинг уч ўлчовли қиёфаси (оммавий алоқа, сўз ва тасвир)нинг ишлаш хусусиятларини тушуниш орқали аудиторияга уларнинг умумий таъсир механизмини очиб бериш имкони яралади.

Тўртинчи бўлим «*Рекламаларда ахборот ташиш омиллари*» тавсифи масаласига бағишланган. Реклама тили жамият ҳаётини ўзида акс эттирар экан, у ижтимоий ҳаёт масалалари билан узвий равишда ривожланади. Жамиятдаги ижтимоий факторларни ўрганиш, нутқий жараёни текшириш ҳамда лингвистик факторларни таҳлил этиш жараёнида тил қурилишининг тараққиётига таъсир ўтказувчи омиллар аниқланади. Ушбу омиллар сирасига реклама матнларида ахборот ташиш вазифасини бажарувчи унсурлар ҳам киради.

Реклама сотувчининг харидорга айтмоқчи бўлган гапи бўлгани учун ҳам унда тингловчининг нутқ жараёнидаги ижтимоий ҳолати, руҳияти, миллати, касби, қизиқишлари ҳисобга олинади ва бу хусусиятлар рекламада ахборотни сингдириш омили сифатида қаралади. Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, реклама матни олимлар томонидан турлича нуқтаи назардан таснифланади. Реклама матнига таъсир этувчи қуйидаги омиллар мавжуд: **1. Ахборотли; 2. Эслатувчи; 3. Уқтириш; 4. Ишонтириш.**¹

1. Ахборотли омил оддий ва ихчам бўлиши зарур. Бундай матнлар маҳсулотнинг таърифи ва тавсифини очиб беришга хизмат қилади. Бунга мисол сифатида «Logeal» косметика фирмаси рекламаларидан бирига эътибор қаратамиз: «*Чарчоққа қарши 16 соат давомида таъсир қилади. Биринчи марта энгилмас малҳам!*» (крем рекламаси). Мазкур матнда ахборот бериш омили сифатида коммуникатив-прагматик мақсад воқеланган. Чунки ахборот

¹Бльям М.А. ва Молоткова Н.В. Основные использования средств рекламы в коммерческой деятельности. – Т.: Томб.Гос.Тех. Ун-та, 2006. – С.38.

узатиш жараёнида прагматик вазифалар коммуникатив мақсад доирасида воқеланади. Ахборотли омил хабар бериш ёки сўраш билан чегараланмайди, бу омил натижасида сўзловчи ва тингловчининг талабини, қизиқишини қондириш мақсади ҳам кўзланади. Бу эса прагматик вазифанинг матндаги ифодасидир.

2. Эслатувчи омилнинг асосий хусусияти – қисқалик. Фараз қилинг, харидорга маҳсулот олдиндан маълум. Реклама матнининг мақсади у ҳақда фақат эслатиш ва унинг имкониятлари кенгайганлиги ҳақида хабардор қилиш. Мисол: *«Бизда катта чегирмалар давом этади (Демак, чегирмалар ҳақида харидор олдиндан хабардор). Энди кечасига чегирмалар WAP – трафикда 50 фоиз (Олдинроқ фоизи камроқ бўлган). Ёрқин томонда яшанг».*

3. Таъкидловчи омил ёрдамида харидорга самарали таъсир кўрсатиш мақсадида маҳсулот номи такрорланади. Бунга **«VOLVO»** компаниясининг реклама матнини мисол тариқасида келтириш мумкин: *VOLVO – тасаввурингизнинг йўлдошидир; VOLVO – гўзаллик ҳиссиёти ривожланганлар учун; VOLVO – ҳаётни сеувчилар учун.*


4. Ишонтирувчи омилда сотиб олиниши зарур маҳсулот ҳақида исботловчи далиллардан фойдаланилади: *«Aquafresh – оилавий тиш ювиш воситаси. Унинг учта чизиги – бу уч марта ҳимоялаш: оқ чизик – карейсдан сақлайди, қизил чизик – тишлардаги ўсимталарни йўқотади, кўк чизик – нафасга энгиллик беради. Aquafresh – бутун оила учун уч марта бахалик ҳимоя».* Мисолдан маҳсулот дизайнида нега айнан учта рангги ифодаланганини тушуниб олиш мумкин.

Диссертациянинг **«Рекламаларнинг социолингвистик таснифи»** деб номланган иккинчи боби тўрт бўлимдан иборат бўлиб, бобда реклама матнларида адресат ва адресант муносабатини аниқлаш, матнлардаги қўлланиш доираси чекланган сўзларни тадқиқ этиш, қўлланган сегмент бирликларнинг ўзига хослигини асослаш рекламанинг социолингвистик жиҳатларини аниқлашга кўмаклашган. Шу билан бирга реклама матнларида юзага чиқувчи нутқий акт маълум бир гапнинг аниқ мулоқот муҳитида талаффуз этилиши, нутқий акт мазмунининг шаклланиши реклама қилинаётган гап мазмунининг адресат ва адресант томонидан мулоқот матнига нисбатан бойитилиши, идрок этилиши натижаси эканлиги тавсифлаб берилган ва рекламаларда нутқий акт мазмунининг таркиб топиши ва воқеланиши бевосита адресатнинг мулоқот мақсади, истаги билан боғлиқ эканлиги мисоллар асосида асосланган.

Бобнинг **«Адресант-адресат муносабатига кўра рекламалар таснифи»** деб номланган биринчи бўлимида реклама матнларида маҳсулот танлашнинг энг мақбул йўлини кўрсатиш адресантнинг вазифаси эканлиги, бир маҳсулотнинг афзал тарафини кўрсатиб бериш унинг зиммасига юкланиши, бу борада адресантнинг бирламчи вазифасини нималар ташкил этиши каби масалалар ёритилган. «Социолингвистикада нутқнинг ихтисослашишида нутқ тушунчаси лингвистикада тушуниладиган тилнинг бевосита воқеланиши, унинг моддий шаклда юзага чиқиши тушунчасидан фарқ қилади. Яъни, социолингвистикада нутқнинг ихтисослашиши деганда,


умумижтимоий имкониятларнинг муайян шаклда воқеланиши эмас, балки қандайдир алоҳида бир гуруҳ учун меъёр вазифасини ўтайдиган умумийлик билан хусусийлик оралиғи тушунилади».¹ Бу жиҳатдан реклама матнини қабул қиладиган адресатлар аудиторияси ёши, жинси, мансаби каби жиҳатлар билан бир-биридан фарқланади. Одатда, нутқий мулоқотда ҳам бу жиҳатлар аҳамиятли саналади. Биз реклама матнларида аёл ва эркак нутқидаги фарқланиш манзарасини социолингвистик жиҳатдан компьютер ёрдамида диаграмм кўринишда таҳлил қилганда улар нутқидаги айрим ўзига хосликларни аниқладик. Дастлаб эркак нутқидаги матннинг талаффузи таҳлил қилинди ва қуйидаги натижаларга эришилди (1-расмга қаранг):

Эркак нутқи (актёр Жавоҳир Зокиров нутқида): *Вookпoту дан янги йил совгалари. Вookпoту интенсив курсларини 1 декабрдан 10 январгача сотиб олиб, мега акцияда иштирок этишингиз мумкин. 15 та Нексия 3 ва 2 та Малибудан бирини қўлга киритинг. Ҳозироқ буюртма беринг!*



1-расм. Реклама матнларида эркак нутқидаги урғунинг микдорий коэффиценти тасвири

Эркак нутқидаги «Ҳозироқ буюртма беринг» ифодасининг талаффузи учун 1302 мсек вақт сарфланган. Сўзловчи ҳар бир товушга ўртача 68.5 мсекдан вақт сарфланган. Ифода дарак маъносини бергани учун гапнинг мелодик ҳаракати тушувчидир. Энди айнан шу матннинг аёл нутқидаги (Актриса Райҳон Уласенова нутқида) талаффузини таҳлил қиламиз (2-расмга қаранг):



2-расм. Реклама матнларида аёл нутқидаги урғунинг микдорий коэффиценти тасвири

Вookпoту дан янги йил совгалари. Инглиз, рус, корейс тилларини атиги 6 ойда грамматик ва сўз ёдлашларсиз интенсив ўрганиш методини 1 декабрдан 10 январга қадар сотиб олинг ва мега акцияда иштирок этинг.

¹ Алиқулов З., Боймирзаева С. Социолингвистика. – Самарқанд, СамДУ нашри, 2010. –Б.39.

15 та Нексия ва 2 та Малибулардан бирига эга бўлинг. Шошилинг сизни янги автомобиль кутмоқда. Ҳозироқ буюртма беринг!

Диаграммадан маълум бўлдики, аёл нутқи ифодаси учун 1047 мсек вақт сарфланган. Ҳар бир товушнинг ўртача арифметик қиймати 55 мсекни ташкил этмоқда, бу одатда, аёллар нутқидаги тезкорлик билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам, биринчи сўзловчи (эркак) бир товуш учун ўрта ҳисобда 68.5 мсек вақт сарфласа, иккинчи сўзловчи (аёл) бир товуш учун ўрта ҳисобда 55 мсек вақт сарфламоқда.

Юқоридаги каби экспериментал кузатишлар ва аудиоёзувни эшитиш реклама матнида эркак ва аёл нутқининг социолингвистик жиҳатлари ҳақида муайян хулосаларга келишга имкон берди. М.Газиева таъкидлаганидек, «Нутқий мулоқотда мелодика асосий овоз тони ва частотаси ўзгаришидаги кўтарилувчи, пасаювчи ва текис тонлар кесимида герцга асосланган акустик параметрлар орқали гапнинг коммуникатив типларини шакллантиради, бундан ташқари, урғунинг дицебел миқдорига асосланган интенсив ҳаракати нормал секин ва эмоционал (меъёрдан ортиқ) нутқ каби ифода типларини фарқлайди».¹

Нутқий акт лисоний ва нолисоний хусусиятлардан ташкил топиб, уч босқичли нутқий фаолият сифатида намоён бўлади: локутив, иллокутив ва перлокутив. Локутив ҳаракат баъзи хатти-ҳаракатлар, воқеа-ҳодисалар ҳақида маълумот беришга қаратилган бўлади. Агар мулоқот жараёнида асосий мазмунни ўзида ташиган сўзлар фақат ёзувлардагина қолиб кетса, локутив ҳаракат содир бўлмайди. Масалан: *Сочларга ёрқин жило бахи этади, сочлар худди салондан кейинги кўринишида, Syoss*. Бу мисолда шампунь ҳақида ахборотнинг оддий маълумот шаклида берилиши локутив нутқ актидир. Иллокутив акт локутив нутқдан фарқли равишда тасвирланган объектнинг тахминий аниқ мақсади борлигини кўрсатади, адресантга маълум бу мақсад тингловчига етказилади: *Syoss – шампунь танлашда адашманг*. Маҳсулотни сотиб олишга ундаш мақсади ўз ифодасини топган мазкур матнда иллокутив нутқий фаолият ифода этилган. Нутқий актнинг яна бир босқичи перлокутив нутқ актида аниқ бир ният мақсадида баён қилиш орқали экспрессив таъсир юзага чиқади. *Томоғингиз оғрияптими? Оптиприм ичинг* жумласи орқали адресатнинг айтмоқчи бўлган фикрини адресант ўзи истаган мақсадда англайди. Масалан, адресат унинг ғамхўрлигини эшитиб, у таклиф қилган дорини ичишга рози бўлади. Реклама жараёнида ундаш асосан аниқ ҳиссиёт билан бирга тавсифланади. Масалан, реклама соҳасида ҳиссий муҳит яратадиган жозибадорлик шиорни эслаб қолишга ва маҳсулот брендини хотирада мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Иккинчи бобнинг иккинчи бўлими «*Реклама матнини яратувчиларнинг лингвистик маҳорати*» деб номланган. Реклама тарихи шуни кўрсатадики, реклама матни яратувчиси – *копирейтер* (ингл. *copy writer – copy писха*,

¹ Газиева М.М. Мулоқот жараёнида просодик воситаларнинг лингвопрагматик хусусиятлари: филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ...дисс. автореф. – Т., 2018.

go 'lyozma; writer – муаллиф)¹ ўзининг фикрини қоғозга тушира олиш қобилиятига эга бўлиши керак, аммо бу қобилият миждонинг муаммоларини ечиши мумкинлигини айтиш қобилиятидан кейин туради. Шу сабабли жаҳон тилшунослигида реклама яратувчилар «копирейтер» деб номланади. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «рекламачи – реклама ясовчи, реклама тузувчи киши»² тарзидаги изоҳига асосланиб, ишда «рекламачи» терминидан фойдаланилган.

Адресатга етказилиш мақсад қилинган реклама матнлари ифода мақсади турлича шаклдаги гаплардан ташкил топади. Масалан, хабар мазмунидаги **дарак гап шаклида:** *Виферон-Идаферон ва витаминлар комплекси-вирусни блоклайша ва иммунитетни тиклайша ёрдам беради. Виферон-шамоллаш ва грипга қарши комплекс ҳимоя.* (дори рекламаси)

Сўроқ мазмунда: *Тошкент марказидан уй олмоқчимисиз? Бунинг учун нима қилиш зарур? (Уй рекламалари)*

Буйруқ мазмунда: *Ўйнанг! Ютинг! Ғолиб бўлинг!* (Jesco шарбатлари рекламаси)

Истак мазмунда: *Катта бўлганимда ошпаз бўламан. Ойимлардан ҳам мазалироқ пишираман.* (Пиковит витамин рекламаси)

Ҳар қандай ҳолда ҳам реклама тони ишончли, унинг услуби оғзаки суҳбат тарзига яқин, лекин нутқдаги нуқсонли сўзлардан ҳоли бўлиши лозим. Адресант ўз мақсадига эришиш учун барча шартли лисоний белгиларни жўяли, ўз ўрнида ишлата олиши даркор. Фақат шундагина у адресатини буйруқ ижросига ундай олади.

Иккинчи бобнинг учинчи бўлими «*Реклама матнларида сегментация ва дейксиснинг ўзига хос хусусиятлари*» деб номланган бўлиб, мазкур бўлимда сегментация ҳодисаси, реклама матнларида дейксиснинг ифодаси, уни юзага чиқарувчи лингвистик ва экстралингвистик воситалар мисоллар орқали таҳлил қилинган: *Кўпчиликка дераза харид қилишда ҳеч қандай маслаҳат ва тавсия берилмайди, уларга фақат ҳаммаси яхши бўлишини айтишади, холос. Эҳ, ИМЗО билан ҳаммаси бошқача! Ўрнатишдан олдин маслаҳат, профессионал ўлчов ва монтаж, шунингдек, сифат кафолати. Имзо – оқилона танлов.*

